

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бадиий, ижтимоий-саноатий, илмий-маърифий адабиётга, мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг янада авлод дарслик-лари ва ўқув адабиётига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, китоб савдоси тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Китоб-савдо» акциядорлик жамиятининг очик акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

«Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясига китоб маҳсулотларини етказишда широк қўллаш, республика ҳудудидики китоб дуконлари тармоғини қўлай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва республика китоб бозори конъюктураси маркетингини амалга ошириш, аҳолининг китобларга ва бошқа босма маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини мониторингини ташкил этиш, уларнинг натижаларини нарийблар ва истеъмолчиларга етказиш; китоб маҳсулотларига буюртмаларни шакллантириш, шунингдек, дарсликлар ва ўқув адабиётига буюртмаларни шакллантиришда широк қўллаш; республика ҳудудидики китоб дуконлари тармоғини қўлай тарзда жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва

2. Қуйидагилар «Ўзкитобсавдо» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пул муомаласини янада такомиллаштириш, нақд пулнинг ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, банкдан ташқари муомалани қисқартириш ва солиқ тўлашдан буйин товлашнинг олдini олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари дастури маъқуллансин.

2. Белгилансинки, 2002 йил 5 августдан бошлаб ҳўжалик юртувчи субъектларнинг нақд пул тушумини инкасса қилишда инкасса туруши таркибига давлат солиқ хизматининг инкасса қилинадиган объектларга тегишли ўлчамли ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслари мажбурий тартибда киритилсин.

Давлат солиқ хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашнинг департаментининг мансабдор шахсларига Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши билан келишган ҳолда улгуржи ва чакана савдода, умумий оқватларда ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасида савдо ва нақд тушумининг топириш қоидаларига

(Давоми 2-бетда).

«Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига



Азиз ўғил-қизларим!
Аволаамбор, мураккаб ва масъулиятли синовлардан муваффақиятли ўтиб, тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли университетларда тахсил олиш ҳуқуқини қўлга киритган ҳар бирингизни бағримга босиб, сизларга ўзимнинг салимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Озод ва обод Ватанимиз бағрида камолга етиб, ўз ақл-заковати, истеъдодини тўла рўйбега чиқариш иштиёқи билан яшаётган сиздек ёш авлод вакиллариини жаҳоннинг обрўли олий ўқув даргоҳларига қўзғатиш, оқ йўл тилаш менга ҳар сафар катта мамнуният баҳси этади.

Чунки мен сизларнинг сиймонгизда Ўзбекистонимизнинг буюк келажакини, ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз, бутун халқимиз қалбидаги эзгу ва олижаноб иштишларингизнинг эркин ифодасини кўраман.

Бугун сизларнинг зиммангизга мана шундай юксак ишонча муносиб бўлиш, жаҳон цивилизациясига беқийё ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг ворислари эканлигини амалда исбот этишдек уақан масъулият тушмоқда.

Қадим ва табаррук юртимиз тупроғига Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур

Мирзо каби улғў мутафаккир ва алломалар сочиб кетган илму маърифат уруғи бугун сиз каби минглаб ёшларимиз тизмолида янгитдан ҳосил бераётгани ҳар бир юртодошимизга юксак гурур-ифтихор баҳси этади.

Ишонманки, сизлар ҳозирги замоннинг энг илғў ютуқларини пухта эгаллаб, орттирган билим ва тажрибаларингиз билан ўзингиз ушиб-ўсган, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган мана шу замин равақи йўлида сиққидилдан хизмат қилиб, халқимиз, Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни шараф билан адо этасиз.

Сизларни хорижнинг энг нуфузли билим даргоҳларида таълим олиш бахтига муяссар бўлганингиз билан яна бир бор кутлар эканман, узоқ ва хайрли сафар олдиндан оқ йўл тилайман.

Юртимиз муҳаббати, халқимиз меҳри қалбингизни ҳеч қачон тарқ этмасин. Эзгу мақсадлар сари ташлаётган қадимингиз кутлуғ бўлсин, Яратганимиз барчангизни ўз паноҳида асрасин.

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Сизни Ватан кутади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Фармони билан 1997 йилда иқтисодий ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси ташкил этилган. Ушбу жамғарма йўлланмаси билан ўтган давр мобайнида 785 нафар йигит-қиз ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртиларига бақалар ва магистрлик даражасини

эгаллаш учун ўқишга юборилди. Жумладан, АКШга 343, Буюк Британияга 293, Германияга 79, Францияга 32, Японияга 20, Италияга 8 ва Канадага 11 нафар талаба жўнатилди.

Улардан 519 нафари ўқишларини муваффақиятли битириб келиб, ҳозирги кунда республикамизнинг қатор вазирлик, идора,

ташқилот ва корхоналарида фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг 3 август кунини Ўзбекистон Республикаси Банклари уюшмасининг Банклари молия хизматлари марказида «Умид» жамғармасининг 2002-2003 ўқув йили таллов синовлари фойлиларини муборакбод этишга бағишланган анъанавий маросим бўлиб

ўтди. Бу тантанали тадбирни Бош вазир ўринбосари, «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Азимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг «Умид» жамғармаси грантлари соҳибларига

Хар қаричи бебаҳо замин

Маълумки, Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бўлажақ IX сессияси муҳокама сизига «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси биринчи ўқишда киритилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Ер ости бойликлари ва фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Каримидин АБЗЕТДИНОВ фикр юритади:

— Сессия кун тартибига «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг қўйилишида чуқур маъно бор. Сабаби — истиқлолнинг ўтган даврида биз сиёсий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллаш бўлишимиз билан бирга, илмий иқтисодий ислоҳотларга йўл очдик. Энди хар қаричи ернимиздаги ноёб бойликларни бирма-бир ўзлаштириш, дунёдаги энг қудратли давлатлар изидан янада дадилроқ боришимизга

га шак-шубҳа йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси ҳам ер ости бойликларига ўта бой. Бунга мен қўллаб-қўллаш мисоллар келтиришим мумкин. Масалан, Султон Увайс тизмасидаги Тобинбулоқда кўп миқдордаги темир рудаси бор. Бу руданинг таркибиде 2 фоз ванадий, кўп миқдорда титан маъдди. Демак, яқин келажакда бу ердан авиасозлик, ҳатто космик фазони ўзлаштириш соҳасида ишлашга мумкин. Яна бир мисол. Бўзтовдаги Бўрлитовда кўп миллион

Узоқни кўзлаган сиёсат

Ҳали-ҳали ёдимда. Президентимиз «Кўкдумалоқ» компрессор станцияси қурилиши қатнашчиларига йўллаган табриқномасида «Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга. Республикаимизнинг бой нефть ва газ потенциални ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги иқомият ва истиқболлар очилди», дея қатъий ишонч билдирган эдилар. Ҳақиқатан шундай бўлди. Бугун «Кўкдумалоқ» компрессор станцияси худди шунга хизмат қилмоқда.

Очиги, буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан бўлган йўқ. Бунинг учун мамлакатимиз раҳбарининг жуда кўп меҳнати сингган. Энг асосийси, у кишининг ташаббуси, жонқуярлиги ва раҳнамоллиги туфайли чет элдик ҳамкорлар, хусусан, Япониянинг «Ниссе Ивато» корпорацияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Кўкдумалоқ ана шундай ҳамкорлик натижасида дунёга келди.

Бутун ушга қулоғида айтилган сўзлар амалда тасдиқини топиб турибди. Шу маънода, узоқни кўзлаган бўлиб борилган сиёсатга яна бир қўйил қилиш мумкин. Мен бунини нима учун айтаяман? Гап шундаки, Президентимизнинг Японияга ташрифини теледидение,

матбуот орқали қизиқиб кузатдим. Ва шунга иқдор бўлдимки, Юртбошимиз Кунчиқар юртва кўрсатган эҳтиромга яраша эҳтиром, иззат-иқром топди. Ҳўш, нима учун Ўзбекистон, Ўзбекистон раҳбарига бу қадар олий даражада иззат-эҳтиром кўрсатилмоқда? Менинг назаримда, бунга сабаб давлатларимиз ўртасида ўзаро самийий ишонч пайдо бўлганлигидир. Бу, энг аввало, давлатимиз раҳбарининг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деган узоқни кўзлаган олим бораётган сиёсати маъноси. Японияга ташриф, у ердаги учрашу ва мулоқотлар чоғида бу янада яққол билинди.

Биз ана шу учрашуларнинг, мулоқотларнинг катта ҳажмон ва гурур билан кузатдик. Чунки биз ушбу ҳамкорлик натижасидан бевосита баҳраманд бўлиб, унинг юртимиз иқтисодиёти учун қандай фойда келтираётганини кўриб турибмиз. Энди ҳамкорлик янги, янада юқори поғонага кўтарилди. Токиода имзоланган ҳужжатлар шундай дейишга асос бўлади. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Фарб ва Шарқда, Европада қудратли давлатлар билан мустаҳкам дўст тутинаётган экан, бу юртимизнинг келажакда янада ёру манзилларга боришидан даракдир.

Ҳасан АШУРОВ,
«Кўкдумалоқ»
комплекс бошлиғи.



Като Ўзбекистонга ошиқ

Профессор Кюдзо Като билан яқин таниш бўлган ҳар қандай киши унинг ўта доно, саноат ва камтарин инсон, дунёга номи таралган олимлигини яқин билади. Унинг маънавий меросимиз тарғибига қўшган ҳиссасини баҳолашнинг ўзи қийин иш.

Като сан юртимизга 42 марта келган, ахир! Сайёҳ сифатида эмас, балки ўзбек халқи тарихий маданиятининг диққат-эътиборли, муносиб ҳамда соф инъият тадқиқотчиси сифатида! Бундай илмий фидойиликни расмим Хокусаннинг имкон топида дегунача тасвирлайдиган муқаддас Фузди тоғига ўхшатиш келадди, киши.

Бу ерга илк бора 1963 йилда ташриф буюрган олим мазкур ўлка, унинг одамлари ҳамда урф-одатларини

бухоронинг тилла кийимлари, этнографик диалектлари бўйича нодир дўппилар йиғилмаси, Ғилдунов, Рингон ҳамда Ғуруссарой керамикаси, Ўрта Осёнинг турли минтақаларига хос заргарлик маҳсулотлари, бежирим ишланган панжаралар — тўсиқ ва устулар, китоб қўйилдиган лавҳалар, бутун бир ёғочдан кесиб ишланган «чорлар» шулар жумласидандир.

(Давоми 2-бетда).

Сувдан самарали фойдаланиш — давр талаби

Ҳозир деҳқонларимиз 4,3 миллион гектар суғорилган ерда зироатчилик қилляпти. Бу майдонларда сув таъминотини тўғри йўлга қўйиш мақсадида ситим 10 миллион кубометрдан 2 миллиард кубометргача бўлган 55 та сув омбори қурилган. Бундан ташқари, секундага 200 кубометргача сувни юқорига кўтариб берадиган 24 та улкан насос станцияси, дарёлар сувини тегишли миқдорда тақсимлайдиган қирққа яқин йирик гидроузел, ўнлаб канал ва коллекторлар, электр энергияси ишлаб чиқарадиган 28 та ГЭС ишлаб турибди.

Шунинг ҳам айтиш керакки, мазкур гидро-техник иншоотларнинг аксарияти бундан 30-40 йил олғари қурилган, барчасининг ҳам техник ҳолатини бугунги кун талаблари даражасида, деб бўлмайди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида йирик ва ўта муҳим сув иншоотлари ҳавфсиз

инишларини таъминлаш ҳамда техник ҳолатини яхшилаш масалаларига бағишланган йилдаги анал шулар ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқаргани ушбу йилгишда сув ҳўжалиги иншоотларини иштишга мутаассиди вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этиди.

Кун тартибидеги масала бўйича Давлат сув ҳўжалиги назорат инспекцияси раиси Т.Қамолдин ахбороти тингладим. Йирик ва ўта муҳим сув ҳўжалиги иншоотлари техник ҳолатини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Йилгишда республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирини Н.Юсупов иштирок этиди.

(Ў.А.)

Замонамиз қаҳрамонлари

Дийдорлашув

Ўзбекистон халқ шоири, Барот Бойқобилов диёримизнинг бир қатор вилоятларини кезиб, замондошларимиз билан мулоқотда бўлди. Фидокор фермерлар, оқил тadbиркорлар, эл-юртти деб яшаб, баракали меҳнат қилаётган саховатпешаларнинг дил сўзларини тинглаб, уларнинг орзу-умидлари, ташвиш-қувончларига шерик, юракларидаги завқ-шавқ, дardдларига ҳамдам бўлди.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Серфайз соҳиллар

Улуғ чўлга тикилдим Сирдарё қирғоғидан, Етду бўлиб тўкилдим Нурдарё қирғоғидан, Фарҳод насли яратмиш Бўстону қошоналар, Аҳли дилга эгилдим Хур дарё қирғоғидан.

Эл-улусдаги, юрдаги ҳар бир аяннинг, ҳар бир ҳаракату талбирнинг ўз тарихи, ўз зарурати бўлади. Ўзбекистон чўлларини ўзлаштириш ана шундай, ўз тарихига эга юмушлардан эди. Ушанда бесамар ётган минг-минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, халқимиз хизматига жалб этилди. Тез орада мардлик майдонига айланган Тошкент билан Самарқанд ўртасидаги Улуғ чўл Ўзбекистоннинг битмас-туганмас хомашё манбаига айланди.

Ўзбек шоҳ йўлидан отар эканмиз, бу чўллар азал-азалдан отлару тугялар оёғи остида топталган кумзор эканини ўйлайсиз. Уша замонларда Самарқанддан чиққан йўловчи Тошкентга бир неча кун заҳмат чекиб етиб келганлигини беихтиёр хаёдан кеҳира-сиз. Ўзбек шоҳ йўли ёнгинасида нақ минг йиллар гувоҳи бўлиб, ҳозиргача собит турган сардоба иншооти кўзга ташланади. Сардоба — сарҳодаги қудуқ. Унинг усти ихчам ва шинам мунбаз. У қурилган замонларда бу ерларда тунлари беаё бўрилар бетиним улаган. Наҳот излаган йўловчилар кундузлари сардобадан чанқоқликларини қондирганлар, кечалари жон сақлаганлар. Муҳими, чўл ўртасида чучук сувли, тирик жонга ҳаёт бахш этувчи қудуқ бўлган!

Айни кунларда шу сардоба атрофида Шароф Рашидов ва Оқолтин туманлари ерлари ястаниб ётибди. Янги ширкат уюшмаларида минглаб одамлар меҳнат қиладилар. Самарқанд ва Тошкент ўртасидаги кафтдек бетон йўлда эндиликда машиналар турнақатор... Бутун эҳтиёж ҳам, зарурат ҳам қолмаган сардоба йўл чеккасида мунгайиб мудраб қолгандай. Маълумки, Оқолтин тумани қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Бу ерларда етиштириладиган қимматбаҳо пахта, қайроқи бугдойлар, тилими тилни ёрайдиган қовунлар, борингки, барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари элга манзур. Чўлнинг қўл ўртасидаги яшил пахтазорлар, олтин галлазорлар чинакам қаҳрамонлар шижоатидан яратилган. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳаёт бу ерларда ҳам ўзгача тус олди: давлат елкасидаги «совхоз»лар ўрнида мустақил ва эркин ширкатлар, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжа-

ликлари тузилди. Рўйи-рост айтганда, хўжалик юритиш шакли тубдан ўзгарди, яъни бозор иқтисодиётига мослашди. Сунят меҳнатда қотган, девқомат, камтарин ва қобил бу инсон чўл офтобиде тобланган, жасорат соҳибларидан. Шу нарса аёнки, чўлда тайёр меҳнат кучи йўқ. Бу ерда фақат имони бутун, ишончи баланд, фидойи инсонлар ишлайди.

Лапас Икромовга ишонганлар — уни яхши билалган, тантилигини, ҳалоллигини синовдан ўтказган Фориш туманининг Гараша қишлоғидан келган ҳамқишлоқлари унга малалдор бўлишди. Уларга эндигина янги ўзлаштирилган ерлар 1600 гектар экин майдонни акратиб берилди. Уша пайтларда бу жойларда қиладиган ишларнинг адоғи кўринмасди. Фақат тепада осмон ўри-нган, чор-атроф эса одам кўмар-ў-ўлар билан қопланарди.

— Тоғликлар, айниқса, бизнинг эл астойдил меҳнат қилади. Уларнинг ғайратию шижоати мени доимо ҳайратта солади, — дейди Лапас ака. — Ҳозир ширкатлар уюшмасида бизнинг қишлоқда 200 га яқин хўжалик бор. Биз чакалдор ерларни рисолагадидек экин майдонларига айлантирдик. Муҳими, ернинг ҳолати яхшиланди, шури ювилди, бегона ўтлардан тозаланди. Ҳозир бу ерлар ширкат уюшмасининг бебаҳо экин майдонлари ҳисобланади.

Бутунги кунда Лапас ака ширкатлар уюшмасидаги «Пахтакор» фермер хўжалигининг раиси. Хўжалик 125 гектар ерда деҳқончилик қилади. Унинг 58 гектарига чигит, 40 гектарига бугдой, қолган ерларга эса беда экилади. 67 бош қорамоли бор. Хўжалик аъзоларининг юзлари доимо ёруғ: ютуқлари кўп, ишлари олдинда. Яқинда дон топишириш бўйича шартномавий режани 120 физига ало этди. Умуман, сўхбатдошимиз ўзининг 25 йиллик бошқарув фаолиятида муттасил режаларни дундириб келган. Хизмати эвазига уч йил енгил автомашиналар билан тақдирланган. Фидойи деҳқон Лапас ака «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвонига сазовор бўлган. Булар замирида катта меҳнат бор. У кечаю кундуз тиним билмайди.

Ҳамсўхбатимиз истиқлол имкониятлари тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди. Айниқса, мустақил иш юритиш имко-

нига эга бўлган бутунги кичик хўжаликлар гоёт пухта тузилгани уни қувонтиради. Муҳими, ернинг, мулкларнинг ўз эгаси бор. Моддий манфаатдорлик бор. Ҳовлисини кенгайтириш имконига эга бўлди, ферма ҳам қурди. Муҳими, бутун унинг хўжалиги бут. Асли касби ҳайдовчи бўлгани учунми, техникага ихлоси жуда баланд. Хўжаликда «К-701», «Олтой», «Т-4» русумли тракторлари, иккита «МТЗ-80» русумли чопик, «Белорус» тракторлари, ўт ўриш, юклаш машиналари шай. Техника оғирни енгил қилади, бун пайтларида ижарага бериб, қўшимча пул топади. Хўш, бунча техникани қайси хўжалик эгаси ўз кучи билан олади?! Лапас Икромов давлатдан турли пайтларда техника учун 16 миллион сўм кредит олди. Уша қарзлар ўз вақтида узилди, техника эса ёнга қолди. Аслини айтганда, бу хўжаликнинг келажаги учун кафолат берадиган омилларнинг бири, асосийси, деса ҳам бўлади.

Фермер хўжалигида ўн уч хўжаликдан келган кишилар ишлайдилар. Бу оилалар хўжалик ҳисобига қолган ғалладан шу кунларда бир тоннадан оlishди. Демак, уларнинг бундан бўён ризқлари бутун.

Лапас ака — меҳрибон ота. У оиласида тўрт ўғил, тўрт қизини тарбиялаб вояга етказди, бир этаб набиралари бор. У бизга оила аъзоларини таништириб, бир пиёла чой устида дилидагиларини айтди.

— Муаммоларимиз кўп. Ҳаётнинг ўзи силлиқ бўлиши мумкин эмас, — дейди сўхбатдошимиз. — Батъан ширкат хўжаликларига қараганда бизга ўғай муносабат сезилиб қолди. Масалан, уруғни заводдан эмас, хўжаликдан оламиз. Албатта, бизга сарасини бермайди. Ёки ўғит ҳам, аввало, хўжаликларга берилади, бизга келганда туганган бўлади. Ёнигли-моилаш материаллари ҳам ширкатлар сингари бизга ҳеч пайт қарзга берилмайди. Шунингдек, фаолиятимизга турли даражадаги раҳбарларнинг ноқонуний аралашавериш ҳолатлари рўй бермаса хўжалигимиз халқимизга яна ҳам кўпроқ маҳсулот етказиб бериши мумкин.

— Ичимлик суви Зоминдан келадими? — сўраймиз пайладаги чойга ишора қилиб.

— Сизга маъқулми? Туманимиз четидеги битта қудуқдан шундай сув чиқади. Машинада 20 литрлик идишни олиб юраман. Йўл тушиб қолса, тўлдириб оламан. Ҳарқалай, чойга етиб туради...

Лапас ака учун фақат бир ўзининг қувончи татаймайди. У юртини ўйлайдиган асл деҳқонлардан.

Сирасини айтганда, эл юкани ана шундай азаматлар кўтардилар. Бутун Оқолтин туманида Лапас Икромов қаторида юртимиз фидойилари Саидбурҳон Муҳиддинов, Бегмат Жайноқов, Абдураим Садиев, Малахот Юсупова, Арқабой Укубоев, Абдуназар Мирзаев, Қўчқоров, Жумабеков, Шокир Эпизаров ва Анорбой Омонов сингари ишбилармон ва тadbиркорлар мустақиллигимизнинг моддий асосларини мустаҳкамлаш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар.

Лапас ака билан хайрлашаётганда ҳам сардоба, чучук сув чиқадиган қудуқ тўғрисидаги гаплар хаёлни тарқ этмади. Ахир, чўлда зовурлар қазиб, шўр сувларни ҳайлаб бўлмапти-ку! Бу ердан чучук сув излаб топил — йўқ имкониятни яратиш, демакдир. Ана шундай имкониятларни топган кишиларгина ҳаётда чинакам кашфиётлар яратдилар. Шундай хаёллар оғушида эски сардоба ёнидан ўтар эканмиз, байтқўрғонлик яна бир меҳнат офтобиде тобланган фидойи инсон номи ёдимизга тушди.

(Давоми бор).

«EUROMONEY»: Миллий банк — Ўзбекистоннинг энг яхши банки

«Euromoney» журналининг июль ойи сониде жаҳоннинг 2002 йилдаги энг яхши банклари рўйхати келтирилган. Улар қаторига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам киритилган бўлиб, у Ўзбекистоннинг энг яхши банки, деб тан олинган.

Банк фаолиятига бағишланган мақолада Миллий банк нафақат барқарор тижорат банки, балки ишончли экспорт-импорт, инвестиция ва омонат банки ҳам эканлиги таъкидланади. 2002 йилда ушбу банк томонидан қатор инновация маҳсулотлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди, кўрсатилган хизматлар кўлами кенгайтирилди, банк бизнесининг барча соҳаларидаги фаоллиги кучайтирилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг тенгдоши бўлган Миллий банк ўз тараққиётида ўтган даврда мамлакатимизда эришилган ютуқларни акс эттирди. Бутунги кунда у МДХ даги энг йирик банклардан бири, Марказий Осиё ва Қозғистонда эса энг йирик банк ҳисобланади.

(ЎЗА).

БАТАН МАДҲИ

Қарши шаҳридаги Мустақиллик майдониде мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб фольклор-этнографик дасталар ижросида «Қўши-ғимдасан, Ватан!» деб номланган концерт дастури намойиш қилинди.

Тadbирда бадий жамолар истиқлол ва Ватан, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини тараннум этувчи рангбаранг қўшиқлар ижро этиди. Концерт дастуридан ўрин олган лапар, алёр ва айтишувлар, айниқса, санъат ихлосмандларида катта таасирот қолдирди.

А.ТАЙПАТОВ, ЎЗА мухбири.



КИМ НИМАДАН ХАВОТИРДА?

Сайёрамизнинг шимол қисмида жорий йилнинг биринчи ярмида сўнгги 143 йил давомида энг иссиқ дaвр бўлди. Хусусан, Евроосиё қитъасининг икки чеккасини дим ҳаво ва жазирама иссиқ анчадан бўён тарқ этмапти. Бироқ шунга қарамай, йил бошидан бўён сайёрамизнинг турли бурчакларида табиат инжиқликлари туфайли оқ бераётган табиий офатлар ва ёгингарчилик сероб.

Бир неча йилдан бўён дунёдаги ҳароратнинг кўтарилиши ҳақидаги жаҳон маъбутининг олд мавзуларидан бири бўлиб келётган гап-сўзлар шунчаки чўпак эмас, айни ҳақиқат экани амалда исботланмоқда. Британиялик мутахассисларнинг кузатишлари кўрсатмоқдаки, шу йилнинг охиригача ер юзидеги атмосфера босим энг юқори даражага кўтарилиши мумкин. Демак, ҳарорат яна ошади. Бу маълумоти британияликларнинг ўзи совуққонлик билан қарши олади. Сабоби — ҳаво дим бўлса ҳам, бу ерда ёз фасли сел ва ёгингарча бoй бўлади.

Одамлар ишонадими-ишонмайди, далиллар ўзгармайди. Мамлакатда жорий йил-

нинг энг иссиқ кун аниқланди. Маълум бўлишича, 29 июль кун Лондонда ҳарорат 33 даражага чиққан. Бу — ноёб ҳодиса!

Евроосиёнинг бошқа чеккаси — Хитойда эса ҳаво ҳарорати салқин жойларда 37 даражани ташқил этмоқда. Жазирама иссиқ, айниқса, қари-яларга сaдий тaсир кўрсатмоқда. Сўнгги кунларда ша-

ли, бу қитъа йил — ўн икки ой кўёш нури остида тобланади. Ҳароратнинг кўтарилиб кетиши Жанубий ва Шимоллий Америкада ҳам муаммага айланган. Бу қитъанинг айрим ҳудудларида ичимлик суви долзарб муаммо бўлиб турибди. Иссиққа чидамсиз бўлган инсон организми учун бундан даҳшатли ҳодиса йўқ, дeмоқда метеорологлар.

«Эчкига жон, қасосга мой қайтуси» деганларидек, ҳароратнинг кескин ошишидан фақат савдо хошимлариде мамнун. Шу кунларда бутун дунё бўйлаб минерал сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар, шунингдек, шамсия ва чўмиллиш кийимларининг бозори чаққонлашган. Табиатнинг бундай инжиқликларидан кимлардир мўмайгина даромад ундирарпти. Бундай устумолар қилганининг тез ўтиб кетишидан хавотирда.

Олимларнинг таъкидлашича, сўнгги бор Ер шаридеги энг юқори ҳаво ҳарорати 1998 йилда кузатилган. Бироқ айни пайтдаги иссиқ тўрт йил аввалгисидан ҳам ўтиб тушмапти.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА, ЎЗА шарҳловчиси.

Санта-Поладаги портлаш

Испаниянинг Валенсия муқтор вилоятидаги Санта-Пола курорт шаҳрида динамит ўрнатилган автомобилнинг портлаши оқибатида 8 ёшли қизалоқ ва 50 ёшли эркак киши оламдан кўз юмган ҳамда 25 киши жароҳатланган. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг маълумотида қараганда, террорчилар автомобилни ҳарбийлаштирилган полиция казармаси ёнида қолдиршишган. Полиция кўпуровчилик «ЭТА» террорчилик гуруҳи томонидан уюштирилган, деб тахмин қилмоқда.



Кескин қораланди

Расмий Пекин Тайвань президенти Чен Шуйбянинг Хитойдан мустақил бўлиш тўғрисида референдум ўтказиш гўясини кескин қоралди. Хитой Ташқи ишлар маҳкамаси вакиллари «Биз Тайвани жиддий оғохлатишимиз ва бундай референдум ўтказишга уринишларни

тўхтатишга қақирамиз» деб таъкидлаган. «Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, ўтган шабна кун Шуйбянь Тайванининг Хитойдан мустақил бўлиши ҳақидаги референдум ўтказишга — орол аҳолисининг асосий ҳуқуқи эканлигини айтганди.

Ҳар кимнинг ўз номери бўлади



Японияда кечадан бошлаб аҳолини рўйхатга олишнинг компьютерлашган тизими жорий қилина бошланди. Эндиликда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси-

га 11 рақамдан иборат шахсий номер берилади. Унинг куйи қисмига фуқаронинг исми, жинси, туғилган кун, манзили ва шулар бўйича ўзгаришлар қолланади. Ҳуқумат бунинг натижасида болалар нафақа пули ва пенсияларни ҳужжатлаштиришда яшаш жойидан рўйхатга олганлик ҳақида ҳужжатдан нусха олиб келинишига зарурат бўлмаслигини таъкидламоқда.

Шунингдек, фуқаролар аввалгидек фақат ўзи яшаш жойидагина эмас, балки мамлакатнинг турли ҳудудларида маъмурий ишлар тартибини амалга ошириш (масалан, хорж паспортини олиш) имкониятига эга бўладилар.

Фторли сақич чайнаманг

«Медновости» маълумотида қараганда, Европа Иттифоқи яқинда тишини мустаҳкамлаш учун таркибига фтор қўшилган сақич ва таблеткалар-

ни таъкидлаш мумкин. Шифокорларнинг фикрича, сақич ва таблеткалар, аксинча, тишларнинг тез емирилишига олиб келади. Айни пайтда улар фақат



Наشريёт маълум қилишича...



«Saab» компанияси такомиллаштирилган «Saab 9-3»нинг янги авлодини келгуси йилнинг 9-3-йилларида намойиш қилишга тайёргарлик кўрмоқда. «Auto Motor and Sport» нашриёти маълум қилишича, янги автомобилнинг усти очик бўлади. Унинг бошқарув қисми ҳам янги конструкция бўйича тузилган. «Автоновости» хабарига қараганда, унинг муҳим томони, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигига жиддий эътибор қаратилган.

«Saab» компанияси такомиллаштирилган «Saab 9-3»нинг янги авлодини келгуси йилнинг 9-3-йилларида намойиш қилишга тайёргарлик кўрмоқда. «Auto Motor and Sport» нашриёти маълум қилишича, янги автомобилнинг усти очик бўлади. Унинг бошқарув қисми ҳам янги конструкция бўйича тузилган. «Автоновости» хабарига қараганда, унинг муҳим томони, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг хавфсизлигига жиддий эътибор қаратилган.

Advertisement for Samsung Digital air conditioning units. Features the text 'SAMSUNG DIGITAL everyone's invited', 'KONДИЦИОНЕРЛАР BIO TECH Plus', and 'Кафолат - 3 йил'. Includes a list of languages: Persian, Uzbek, Tajik, Russian, and English. Contact info: 50-8837, 50-0419, 186-0771. E-mail: sergey@sinta.prv.uz.

Яна тўйлар хақида

— Войлод, зикна қудлар одамни шарманда қилди. Мен обрў оламан, деган мақсадда бойбадавлат хонадон қизини келин қилганим-а. Келтирган иккитагина савати бошида ордона қолсин. Энди қўни-қўшин, таниш-билишлар олдидан ким деган одам бўлдим? Бас, менга бундай келин керакмас, бирорта бола орттирмай туриб, жавобини берасан, ўғлим.

Баҳромнинг онаси ўғлининг «хай-хай»лашига қарамай, ҳовлини бошига кўтарарди.

Туполондан безор бўлган келинчақ «Балки дадам каттароқ буюм олиб, юк машинасида жўнатмоқчи бўлиб тургандир» деган хаёлда унга кўнгирак қилишга тутинди. Дадасининг «Ха, қизим, топганимиз ана шу иккита сават, холос» мазмунидagi жавобини эшитди-ю, холосиз ўтириб қолди. Кечгача сўзилган гинди-бидидан сўнг йиллаганича онасиникига жўнади. Келинбоқ отасига дардини тўкиб солди. Ота-бола куёв хонадонига қайтди.

— Қуд, одам ҳам шунақа бўлади, ҳали чилласи чиқмаган қизимни қувиб солибсиз-а? Сизни

Саватдаги «Нексия» калити


риз» қилмоқчи бўлганим. Лекин сиз ҳам, калтай ўғлингиз ҳам бундай тўхфага арзмас экансизлар. Юр, қизим, энди бу хонадонни елганнинг чуқури кўрсин.

Нима бўлаётганини англаб етмаган қайнона билан қувиниш тиллари калитига келмай, оғизларини очганича қолди.

Бу эртақ ёки лоф эмас, балки икки йил аввал Наманган маҳаллаларидан бирида кечган воқеа. Молпараст қайнона, уйга кечгани келган келинчақни ноқулай аҳволда қолдирган ношуд куёв молпарастлиги

янгигина оилани бузди. Вилоятда оғиздан-оғизга қўчган ушбу воқеани эшитиб, уйга толаман. Биз қачонгача ўғлимиз, қизимиз бахтини латта-путта, молдунё билан ўлчаймиз? Меҳр-оросимларни, узро ҳурмат сингари бейқода қолди кетверадимиз?

— Албатта, йўқ, — дейди «Даштбоғ» маҳалла фука-



«Нексия» калити

шўхлик, шўхратпарастлидан.

Ха, тўй ёки ундан кейинги маросимлардаги ҳадидан ошиб кўринишлари бирданга пайло бўлмагани сингари, уни даров йўқотиш ҳам қийин, албатта, тўй маросимларини ўтказиш ва яраштириш комиссияси раиси Оминоҳон Каримова, маҳалла хотин-қизлари етакчиси Ҳафиззоҳон Парпибоева билан келишиб иш туттишти.

— Нафақат сарпо ва буюмлар, балки тўйнинг ўзини ҳам ихчамлаштирилсин, — ҳикоя қилади Ҳафиззоҳон

тган кўрпа-тўшак, идиш-товоқ ва сарполар ҳеч кимга оғир тўшайдиган даражада. Кимдир бундан ошди-юборилган бўлса, дарров тартибга чакриштилади. Энди қуда бўлмишлар тўйдан олдин, албатта, тўй маросимларини ўтказиш ва яраштириш комиссияси раиси Оминоҳон Каримова, маҳалла хотин-қизлари етакчиси Ҳафиззоҳон Парпибоева билан келишиб иш туттишти.

— Нафақат сарпо ва буюмлар, балки тўйнинг ўзини ҳам ихчамлаштирилсин, — ҳикоя қилади Ҳафиззоҳон

опа. — Билсангиз, яқин-яқинларгача ҳам қиз узатиш, ўғил уйлантириш муаммолари ойлаб давом этарди. Оқлик олди, никоҳ базми, рўкишон, чиллади, куёв чақирди, чимилдиқ узди сингари талбирларнинг ҳар бирига бир кундан вақт, аллақанда маблағ кетарди. Калла солди, оқлик олди, чимилдиқ узди, юк берилардан воз кечдик. Қолган талбирларнинг бари тўй кунининг ўзига ўтпти. Лекин бизда сават умуман йўқолган, десам, ёлгон гапирган бўламан. Бир-иккитадан жўнатиб туришарди. Унияма фақат ҳайит, байрамларда.

Бу гапга ишонқирамади. «Шаҳарнинг қоқ ўртасидаги маҳалла, бунинг устига, казо-казолар яшасу, янгиша шароитга дарров кўниб қўя қолишса» деган фикрга бордим. Йўқ, тўри айтишибди, одамларнинг қарашлари ўзгарибди. Ҳатто «Бошқа маҳаллалардагидан қилишамизми?» деб юрганлар ҳам энди кўпчилик томониди.

— Доимо таъкидлайман, кимки жуда ошиб-тошиб кетган бўлса, бева-бечораларга ёрдам қилини чўсин, аммо бошқаларни издан чиқармасин, — дейди раиса.

«Даштбоғ», шунингдек, Наманган шаҳар ва қишлоқларининг асарият маҳаллаларида камҳарж тўйлар ўтказилиб, янгича

удумлар шаклланаётгани кўвонарди. Аммо вилот марказининг айрим даҳларидида ҳамон «кимўзар»лар давом этаётгани ҳам бор гап. Айтишларича, маҳаллалардан бириданга онахон қиз ўқинмасин деб, оғиздаги тилла тишларини сотиб, йитирмага яқин сават тайёрлабди. Уларни қабул қилиб олган куёв томон бунинг билармикан? Билса, жўнатишган ноз-неъматларни хотиржам юз кийим-кечакларни хотиржам кия олармикан?

Тўй икки оиланинг шахсий иши, деб эмас, балки жамият ҳаётига таълуқли масала, деб қараш лозим. Гарчи уни ўта мустаҳкам қилишга солиш қийин бўлса-да, расомади билан ўтказган маъқул. Бунинг учун «Даштбоғ»даги сингари маҳалла фаоллари, тўй комиссиялари, хотин-қизлар кенгаши амалий иш олиб боришлари, масалаларга изчил ёндашишлари шарт. Ушундан келиннинг отаси тўхфа қиладиган «Нексия»га кўз тутадиган, қудасини тишиш қолдириш эвазига ярайдиган қайнона куёвлар камаяди. Энг муҳими, инсон ҳаётидаги аjoyиб дам «ким ўзар» мусобақасига эмас, балки кўнгилик қувончига айланади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРОХИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ёз — ўтмоқда соз

Жонга ором гўшалар

Ёз чилласи ҳам охиради. Оромгоҳларда эса дам олиучи болаларнинг сўнгги гуруҳлари мириқиб дам олишмоқда. Бўстонлик туманидаги Оқтош тоғи гўшаларидан бирида жойлашган «Семурғ» болалар оромгоҳи бу йил ҳар сменада 650 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олди. Муҳими, улар бу ерда ҳар бир кунни мароқли, қизиқарли ўтказишарди. Турли тўгаракларда қатнашиб, спорт ўйинларида иштирок этишмоқда.

Айниқса, кун қизган паллада сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилишга не етсин! Суратларда акс эттирилганидек, «Семурғ»да болаларнинг ёзи татиллари жуда кўнглили ўтпти. Боиси бу ерда улар учун ҳамма шароитлар муҳай.



Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

«Ижрокўм бува» клуби

Азал-азалдан таниқли санъаткорлари, моҳир сўз усталари — аскиячилари билан машҳур Ҳўқанду латиғда аскиячилар клуби иш бошлади. Таниқли аскиячилар Йўлдошхон Носиров ва Мўйдинжон Йўлдошевлар ташаббуси билан ташкил этилган ушбу жамоага «Ижрокўм бува» номи берилди. Шаҳарнинг Муқимий ноли бонига фаолият юритаётган ушбу клуб шаҳар ва туманлардаги сўз усталари — аскиячиларни бирлаштирди.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САВОЛ БИЗДАН...

Вашингтондан ташқари яна қайси шаҳарда Капитолий жойлашган?

136-35-60

«ЎЗТРАНГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСТАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

шунинг маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасдиқлаган нархлар прејскурантига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга теъкиб бериладиган газнинг баҳоси 2002 йилнинг 1 августидан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 12000 сўм миқдориди белгиланди.

БАРЧА СОГЛИКНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Навқиронлик, саломатлик ва узок умр кўриш шарбати «НАРИНЕ» — лактобациллус ацидофилус — Ўзбекистонга ҳам етиб келди

«Нарине» — табиий, экологик тоза шифобахш-профилактик бактериял доривор. У шифобахш гўёқлардан олиниб, биологик фаол сувоқлик ҳисобланади. Унинг шифобахш-профилактик хусусияти кўп йиллик клиник синовлардан ўтган, бактериял дори воситаси сифатида бирон екмисиз таъсир кўрсатуви жўхати йўқ.

«Нарине» организмда модда алмаслиғини жараёнини бошқариш, патоген микроорганизмларга таъсир кўрсатади, замбуруқ касалликларига қарши курашиш хусусиятига эга, дизентерия, дисбактериоз, диарея, салмонеллез, стафилококк инфекцияси, ошқозон ва ўн икки бармоқлик ичак яраслари, йўғон ичак яллганлиги, ошқозон яллганлиги, ич қотиши қайси ошқозон-ичак хасталиқларини даволаш ва олдини олишда самарали қўланилади. «Нарине» Бактериял дориси аллергия, қанд касаллиги, гепатит, онкологик, ларингологик, проктологик, урологик, йиринглаш-шамоллаш касалликларини ҳам даволаш ва уларнинг олдини олишда қўланилади. Гинекологик касалликларда «Нарине» пурковчи дори ва тампон қўйиш воситаси сифатида ишлатилади. «Нарине» жарроҳликдан кейинги яра ва кўйган жойларга суртма дори тарзида зарур. Антибиотик даволашида юрган, нур ва химиявий терапия қабул қилган беморларга эса у дисбактериоздан қалло бўлиш учун асқотлади. «Нарине» дориси янги туғилган, айниқса, чала туғилган, заиф чақалоқлар гипотрофияга, рахитга йўлиқиб қолмасликлари учун, шунингдек, оналаридан салбий реузус-фактор еки қонда гемоглобин таъминоти йўқлиги билан туғилган болаларнинг саломатлигини ўрнига келтириш мақсадида ҳам ишлатилади.

«Нарине», умуман, барча одамларга касалликнинг олдини олувчи восита сифатида тавсия этилади. Чунки унинг таркибиди дармондорилар, аминокислоталар, анигил ҳам бўладиган оқсиллар мавжуд. Ушбу бактериял препаратнинг бир миллиграмми таркибиди 20 миллиардга яқин лактобациллус, ацидофилус сингари инсон организми учун зарур жонли тўқималар шайди. Бу эса худди шунга ўхшаш дориларда мавжуд жонли тўқималардан бир неча ўн баробар кўпдир.

Бу препаратнинг антикалги шўқдаки, унинг таркибиди лактобациллус, ацидофилус бактериялари ошқозоннинг энг қабил жойларига сингиб, ўзининг шифобахшлик хусусиятини икки ҳафтага сақлайди. Унга тўдош бўлган бошқа бактерияларнинг таъсир кўчи эса атиги 3-4 соатдан ошмайди. «Нарине» ни бошқа турли хил антибактериял воситалар билан биргаликда истеъмол қилиш мўкин. Чунки лактобациллус, ацидофилус бактериялари уларга бардошқилди, бошқа бактериялар антибиотикларга ўта сезгир ва улар шу боисдан қўрилган натижани бермайди. Яна бир хосияти шунки, ушбу бактериял доривори шифобахшлик хусусияти ҳам истеъмол қилиш мўкин. Демак, унинг воситида даволашиши эинҳор пайсалга солиман. «Нарине» дан қатталарга хўшам тасомлар тайёрлашда аралашма сифатида, энди туғилган чақалоқларга эса она сўти ўрнида фойдаланишга ҳам бўлади.

«Нарине» ни синовдан ўтказган япон олимлари унинг организмнинг қаршилиқ кўрсата олиш қўнини ошириш хусусиятини, саратон касаллигига қарши кураша оладиган альфа ва гаммаинтерферон тўқималарининг омилини ошириш қўйиш қўйсас сифатида илмули модуляторлик қўйилишини иллий тасдиқладилар. Ушбу бактериял дори билан Чернобыль АЭСи ҳалокатида зарар кўрганлар таъминлашда, чунки «Нарине» нурланган оқибатда содир бўладиган дисбактериоз касаллигини анча енгилаштиради.

Хозирги кунда «Нарине» АКШ, Япония, Голландия, Канада, барча МДХ давлатларида тайёрланиб, тиббиётда кен қўланилмоқда.

Ўзбекистонда ушбу препаратни «Ари Саломат» қўшма корхонаси ва «Усузсанот» давлат уюшмаси билан биргаликда, «Ўзбюфарм» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда тайёрлаб чиқармоқда.

«Нарине» дориси Ўзбекистонда сертификатлаган, уни Санитария, гигиена ва касб касалликлари иллий-тектиршиш институти, бошқа бир қатор клиникалар ва иллий-тадиқот институти синовдан ўтказишди. Препарат республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат эпидемиология назорати департаменти томонидан рўйхатга олган ва фойдаланишга тавсия этилган.

Маълумот учун телефон: 34-40-04.

Килмиш-кидирмиш

Рангли металлларнинг парчалари, чинқиндилари ҳам ноқир. Бу ҳақиқатни билиб-билмаганликка олиб, уларни четта чиқаришга уринаётганларга гап ўқтириш қийин. Қизиги шундаки, улар орасида аёлларнинг ҳам борлиги кишини ҳайратлантиради.

Қаранг, Самарқанд вилотиининг Нарпай туманида яшовчи Лола Диёрова 300 килограмм, Санобар Норматова 400 килограмм, Муясар Ниёзова 250 килограмм, Саида Жумаева 200 килограмм алюминий чинқиндиларини тўплаб, қўшни Қозғонистон Республикасига элтиб сотишни мақсад қилишибди. Мўмай даромад ҳаққиди хомхўллар уларни қарахт қилиб қўйган экан. Юқларни манзилга етказувчи ҳўжатбарорини топил ҳам унчалик мушкул бўлмади. Нафси ҳақалак отган С. Ҳайитов бу ишни қўйиллашга ваъла берибди.

Давлат рақами 21Д 0004

Мўмай пул илнжи...

«КамАЗ» русумли автомашина кузовига металл парчалари жойлаштирилиб, устига оҳаб ва албастер босилди. Қараб-сизки, гумонсирашга ўрин қолмагандай, ҳужжатлар эса «миқлай».

Лекин С.Ҳайитов бошқарувиди автоулоқ уюққа боролмади. Хатирчи тумани «Янгиробот» йўл-патруль хизмати масканида машина тўхталиб, бошқона кўригидан ўтказилганда, сир фош бўлди.

Чўл ҳудудлари бўйлаб Қозғонистон сари йўл олган 21А 36-54 рақамли «Тико» тўхталиб, бошқона кўригидан ўтказилди. Қарантки, Қизилтепа туманида яшовчи Мамуржон Қудратов ҳам рангли металл билан савдолашиш ишқибози экан. У «Тико»да бундай юкни ҳеч ким сезмай-

Лойиха-тадиқот ишларини бажарувчи ташкилотлар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоларини ташкил этиш (тендер) бўйича республика бошқармаси

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

қуйидаги иншоотлар бўйича лойиха-пешқисоб ишларини бажариш учун танлов савдолари (тендер) ўтказилишини эълон қилади.

1. Косонсой тумани, Шароий кўчасидаги КХМни 900/400 ўринли иқтисод бўғалиндаги касб-хўнар коллежига қайта тиклаш. Ишларини бажариш муддати — 60 кун.
2. Чўст шаҳариди КХМни 900/200 ўринли иқтисомий соҳа бўғалиндаги касб-хўнар коллежига қайта тиклаш. Ишларини бажариш муддати — 60 кун.

Буюртмачи: Вилот капитал қурилиш бошқармаси.
Манзил: Наманган шаҳри, Инвр Темур кўчаси, 105-уй. Телефонлар: 6-22-60, 3-77-04.

Лойиха-пешқисоб ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Лойиха ишларини бажарувчи ташкилотлар қуйидаги шартларга: «Давлат архитектурилиш» қўмитасининг мақсус рўхсатномасига (лицензия), етарли қасбия ва техникавий малака, молиявий имкониятлар, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лўяқатли юридик ҳўқуққа эга, тахрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳўжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилот филиалига мурожаат қилиш мўкин.

Тақдирлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:
Наманган ш., А.Навоий к., 86-уй (Матбуот уйи, 4-қават). Тел./факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91.

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соати.

Тақдирлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган ш., А.Навоий к., 36-уй (Матбуот уйи, 3-қават).

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

Ўзбоғлар
09.00 дан 18.00 гача
қабул қилинади.
Тел. факс: 136-09-95,
139-10-63
850 хона

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси «Ижтимоий фанлар» кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоиди **Маҳаммади ТАЙИБЕВ**ни вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадний академияси жамоаси бош ҳисобчи Фариди Жалмоновга налари бузурқори **Жураш ЖАЛИМЕНОВ**ни вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳўқимлиги Олий Мажлис депутати, туман ҳўқим Шўқурулло Ҳикमतова волида муҳтарамаси **Хўри она МУҲАММАДЖОНОВ**ни вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбектемирлўлэкспедиция» давлат корхонаси жамоаси бош директор **Азхон ЗАҲРИТДИНОВ**ни вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг қариндошларига ҳамда яқинларига ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ва тармоқ касаб уюшмаси Марказий қўмитаси «Ўзбектемирлўлэкспедиция» давлат корхонаси бош директори **Азхон ЗАҲРИТДИНОВ**ни вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Тошкент архитектура-қурилиш институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Гидротехника иншоотлари, замин ва пойдеворлар» кафедраси доценти Ҳамидхон Файзиёва онаси **ЛУТФИНИСО** аянинг вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникуми жамоаси Автомобиль транспортда қайдоқилдикини ўргатиш марказининг раҳбари, ихтисослик фанлари бўйича олий тоифали ўқитувчи Шўҳрат Шонсмоловга волида муҳтарамаси **ЖАМИЛА** аянинг вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60; 136-35-60

Газетачилар билан алоқа ва минақалар — 136-29-89; 133-07-48

Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олган. Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида термиди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ**.
Набатчи муҳаррир — **И. УТБОСАРОВ**.
Набатчи — **М. ХОЛМАТОВА**.
Муҳасбиҳ — **Ш. МАШРАБОВЕВ**.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қўғоздан зиёд материаллар қабул қилинади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириди — 22.20.
1 2 3 4 5 6